

Ishonch

2020 йил 28 январь • сешанба • № 17 (4302)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Тошкент халқаро инвестиция форуми юқори савияда ўтади

Президент Шавкат Мирзиёев 27 январь кuni Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ташкил этиш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланди. Бу борадаги қонунчилик янгиланиб, инвесторлар учун ҳуқуқий қарорлар мустақамланди. Якунига етган Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард доллар ёки 3,7 баробар ўсди. Давлатимиз раҳбари кuni кеча Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида иқтисодий юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсати изчил давом эттирилиши, жорий йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар

бўлишини алоҳида қайд этди. Хусусан, 2020 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 5,8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш белгиланган. Шу мақсадда март ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилиши режалаштирилган. Форумнинг асосий мақсади иқтисодий драйверлари ҳисобланган энергетика, машинасозлик, электротехника, ахборот технологиялари, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат сановати, қурилиш соҳалари ҳамда ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришидир. Йиғилишда ушбу анжумани юқори савияда ташкил этиш борасида аниқ ташкилий вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Инвестициялар ва ташки савдо

вазирлигига тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари билан бирга хорижий инвесторларга таклиф этиладиган истиқболли лойиҳалар бўйича тақдимот материаллари тайёрлаш вазифаси қўйилди. Худудий лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий инвесторлар ўртасида бевосита ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Ташки ишлар вазирлигига етакчи хорижий компаниялар, халқаро молия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларини форумга жалб этиш бўйича топшириқлар берилди. Анжуман ўтказиладиган жойларни юқори савияда тайёрлаш, уни оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш ва ёритиб бориш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Мутасаддилар форумга тайёргарлик ишлари ва эришилиши мўлжалланаётган келишувлар ҳақида ҳисобот берди.

ЎЗА

Тиббиёт ва илм-фан соҳаларида долзарб масалалар таҳлил қилиниб, қўшимча вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь кuni соғлиқни сақлаш соҳасини ва илм-фан йўналишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг бирламчи, тез тиббий ва ихтисослашган ёрдам бўғинларида муҳим ислохотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги фармонида мувофиқ, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Касалликни профилактика қилиш учун врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ходимлари уйма-уй юриб, аҳолини патронаж билан қамраб олиши, худудий шифохоналар билан маълумот алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилиши зарурлиги қайд этилди. Бунда тиббий маданиятни ошириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Йиғилишда тиббиёт тизимини илғор хорижий стандартлар асосида ташкил этиш, аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. 16 та ихтисослашган марказ касалликлар кўрсаткичини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг олдини олиш чораларини кўриши, ўз фаолиятини ҳудудларда ташкил этиб, бирламчи тизим билан ҳамкорликда ишлаши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу марказларни янада ривожлантириш учун хусусий ва хорижий инвестициялар йўналтириш муҳимлиги қайд этилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматыни янада яхшилаш, туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўригини тизимли ташкил этиш, касалликка чалинганларни соғломлаштириш бўйича аниқ иш режа ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди. Шу ўринда Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам хизмати қақриқларни автоматик қабул қилиш ва ижро этиш бўйича тўлиқ рақамлаштирилгани ҳамда 150 та махсус «Форд» автомобиллари билан таъминланганини қайд этиш лозим. Давлатимиз раҳбари ушбу тизимни 2020-2021 йилларда юртимизнинг барча ҳудудларига босқичма-босқич таъкид этиш, шойилини ва тез тиббий ёрдам хизматыни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустақамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Инвестиция дастурига мувофиқ, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун жорий йилда халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш зарурлиги қайд этилди. Йиғилишда соҳада кадрлар таъминоти, малакаси ва салоҳияти танқид қилинди. Ҳозирда соғлиқни сақлаш тизимида 75 минг нафар врач фаолият юритмоқда. 2 минг 900 та умумамалиёт шифокори, 10 мингта тор мутахассис етишмайди. Илмий изланиш натижаларини ҳаётга жорий

этиш 5 фойздан ҳам ошмайди. Президентимиз мутахассисларни давлат буюртмаси асосида манзилли тайёрлаш, мақсадли квоталарни туман, қишлоқ ва иш жойи кўрсатилган ҳолда шакллантириш зарурлигини таъкидлади. Тиббиётда илм-фанни ривожлантириш, илмий изланишларнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди. Маълумки, 2020 йил Ўзбекистонда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисига йўлаган Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир неча устувор йўналишини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Хусусан, жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароит яратиб берилди. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизми тубдан қайта кўриб чиқилади. Йиғилишда мутасаддиларга шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, туб ислохотларни мақсадли таъминлаш бўйича илмий-тадқиқот муассасаларига қамраб олиш бўйича топшириқлар берилди. Давлатимиз раҳбари фаннинг белгиланган соҳаларига ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборни кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон банки ўртасида маслаҳат хизматлари тўғрисида битим имзоланди. Бундан кўзланган мақсад мамлакатимиз фуқаро авиациясини модернизация қилишга кўмаклашишдан иборат.

Вазирлар Маҳкамасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Ўзбекистон Ташки ишлар вазирлиги раҳбари Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация 28 январь кuni Берлинда ўтадиган «Яшил Марказий Осиё» ташаббуси тақдими бўйича халқаро конференцияда қатнашди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририяти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 25 январь кuni «Янги Ўзбекистон» газетасининг биринчи сони нашрдан чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони 2020 йил 1 январь ҳолатига 33 миллион 905 минг 800 кишини ташкил этиб, 2019 йил бошидан 650 минг 300 кишига ёки 2 фойизга ўсди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан «Ўзбекистонда қорвачиликнинг янги даври, истиқболли ва муаммолар» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

Ҳиндистон инфратузилмани ривожлантириш учун Ўзбекистонга 1 миллиард доллар имтиёзли кредит ажратди. Мазкур таклифни мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Шри Сантош Жа билдирди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг 5 нафар докторант ва магистрлари Корея фондининг умумий 14 100 АҚШ доллари миқдоридagi халқаро грантни қўлга киритишди.

Наманган вилояти

Президент ташрифидан сўн

Норинда замонавий корхона

Президентимизнинг 2018 йил 2-3 май кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида Норин туманида йирик ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил этиш юзасидан берган топширигига асосан лойиҳа қиймати 40 миллиард сўм бўлган ишлаб чиқариш мажмуаси – «Uztex group» кўшма корхонасининг Норин филиали барпо этилди. 1 гектар майдонни эгаллаган мазкур йирик корхона йилига 3 миллион доллар экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхона фаолият бошлаши билан 500 та янги иш ўрни ташкил этилди. Эътиборлиси, ишчиларнинг аксарияти хотин-қизлар экани ҳисобга олиниб, уларга қулай шароит яратиш мақсадида корхона томонидан ҳудудда 160 ўринли болалар боғчаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулкни шакллантириш манбалари

Қуйидагилар касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулкни шакллантириш манбалари бўлиши мумкин:

- сўзлик бадаллари
- ихтиёрий мулкий бадаллар ва хайриялар
- тадбиркорлик фаолиятидан тушган тушумлар
- қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа тушумлар

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасидан

Муносабат

Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига йўллаган Мурожаатномасини юртдошларимиз катта қизиқиш ва зўр ҳаяжон билан ўрганмоқда...

Барча амаллар ниятларга боғлиқ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасини халқимиз жуда катта эътибор ва хайрихоҳлик билан қабул қилди. Унда айтиб ўтилган тавсиялар, таклифлар, ташаббуслар йиллар давомида халқимизни қийнаб юрган муаммолар ва орзулари рўёбга чиқишида тўсиқ бўлиб келётган «девор»ларнинг батамом олиб ташланишига асос бўлиб хизмат қилади десак, асло муболаға бўлмайди.

Айниқса, «Барча депутат ва сенаторларга, уларнинг тимсолида бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман, демократик ислохотлар йўли биз учун яқкаю ягона ва энг тўғри йўлдир», дея билдирган фикрлари халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустақамлайди. Президентимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда биринчи марта камбағалликни камайитириш дастурини ишлаб чиқиш таклифи қилингани етарли даромад манбаига эга бўлмаган қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳолининг кам таъминланган қисми турмушининг яхшилашига хизмат қилади. Мурожаатномада Давлатимиз раҳ-

Эсон РАҲАБОВ, Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси

барига буюк бобоколонишимиз, ҳадис илмининг сўлтони Имом ал-Бухорийнинг «Барча амаллар – ниятга қараб бўлади» деган машҳур фикрларини айтиб ўтди. Ҳақиқатдан ҳам ниятимиз улғуй, маррамиз юқори, ниятга етишиш учун эса мута-садди раҳбарлардан, бутун халқимиздан ватанпарварлик ва фидойилик талаб қилинади, холос. Мазкур Мурожаатномада белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида барчамиз – кенг жамоатчилик, айниқса, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари фаол иштирок этайлик.

Фаолиятимиз маёғи

Мурожаатнома ўзига хослиги, жамиятимиздаги ҳар бир бўғиннинг эътиборга олингани билан алоҳида аҳамият касб этади. Тарихимизда янги саҳифа яратётган авлод бунга ҳар жиҳатдан ҳис этиши, англаши лозим. Келажак авлод олдидаги масъулият ҳар биримизнинг ажралмас, унутилмас вазифамиз бўлмоғи шарт.

Жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари ҳам ёш авлод камолоти, уларнинг малакали мутахассис, ўз соҳасининг усталари бўлиб етишишига муносиб улуш қўлиб келмоқда. Хусусан, энг фаол талабаларга стипендияларнинг жорий этилиши, ёш мутахассислар ўртасида турли тилловларнинг ташкил этилиши, ёшларнинг дам олиши ва оромгоҳларда соғломлаштириш ишлари такомиллаштириб борилаётгани фикримизга далил бўла олади. Коррупцияга қарши кураш ҳаёти-миз мазмунига айлана бораётгани ҳам таҳсинга сазовор воқелик десак, янгилишмаймиз. Рақамли иқтисодиётнинг жорий этилишига жиддий киришилиши, бошқаруving ваколатли органлар олдидаги ҳисобдорлиги ислохотларнинг янги босқичга чиқётганидан далолатдир. Қисқа қилиб айтганда, Мурожаатнома истиқболдаги фаолиятимизнинг устувор маёғи бўлади.

Сўхроб РАФИҚОВ, Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Тошкент шаҳри

Ижтимоий шериклик асосида



Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Ўзбектелеком» АК тизимидаги ташкилотлар директорлари ва бош бухгалтерлари учун ўқув-семинар ўтказди.

Унда кенгаш масъул ходимлари ўтган йил мобайнида Ягона жамоа шартномасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, айрим ҳолларда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш масалаларида тегишли тавсиялар беришди. Бундан ташқари, 2020-2022 йилларга мўлжалланган Ягона жамоа шартномаси лойиҳасига меҳнат жамоалари берган таклифлар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Иштирокчиларга Республика кенгаши ишлаб чиққан «Корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси учун эслатма» қўлланмаси тақдим этилди. Жорий йил мобайнида барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотларида ўтказиладиган ҳисобот-сайловлар ҳам кенг муҳокама қилинди. Ходимларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишларни тезкорлик билан таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этишга қодир бўлган, жамоада обрў-этиборга эга, малакали ва ташаббускор ходимларни касаба уюшмаси органлари таркибига сайлаш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Мирвоҳид ҲАЙДАРОВ, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Муҳокама

Тадорик



Муҳим тадбирга тайёрмисиз?

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаоллари учун жорий йилдаги ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалдаги низом талаблари асосида намунали ўтказиш юзасидан ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўқув-семинарда ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишга тайёргарлик кўриш, маърузаларда мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг қўлими ва аҳоли ўртасида шукроналик туйғусини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши тавсия этилди. Тармоқ касаба уюшмаси тизимида ҳисобот даврида амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятга чуқур эътибор қаратиш ва уларни касаба уюшма аъзоларига етказиш юзасидан тушунтиришлар берилди.

Жойларда ташкил этиладиган ҳисобот-сайловлар келгуси фаолиятимизда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси раиси Наргиза Усмонова. — Негаки, келгуси 5 йил давомида бажариладиган ишлар, белгиланган вазифалар кўп жиҳатдан муносиб номзодларни танлашга боғлиқ.

Саодат КАРИМОВА, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси ташкилий ишлар бўйича мутахассиси

Қашқадарё вилояти

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Муборак тумани кенгаши тасарруфидаги бошланғич ташкилотларнинг иш берувчилари ва касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди.

Вазифа

Унда янги қонун лойиҳасининг ҳар бир банди халқ муҳокамасида янада мукамаллашган эътироф этилди.

Иштирокчиларга қонун китобча шаклида чоп этилиб, тарқатилди.

Анжуманда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг «Ҳисобот-сайловлар ўтказиш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва амалга ошириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Янгибой АВЕЗОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Муборак тумани кенгаши раиси

Тошкент вилояти

«Ўзтрансгаз» АЖ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Бўстонлиқ туманида жойлашган «Угам» дам олиш масканида Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишлаб анжуман ташкил этди.

Янги қонун – янги муносабат

«Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!» мавзусидаги тадбирда қонун моҳияти ҳусусида атрофлича сўз юритилди.

1992 йилда ишлаб чиқилган аввалги қонун ўша давр талабига жавоб берган бўлса-да, орадан шунча вақт ўтди. Давр ўзгарди, одамлар ўзгарди. Асосийси, ҳуқуқий саводхонлигимиз янада мукамаллашди. Шундай экан, унинг ҳозирги даврга тўғри келмай қолгани кундек равшан, — дейди Касаба уюшмалари Федерацияси юридик бўлими мудири Ҳамидулла Пиримқулов. — Чунки нафақат қонунчиликда, балки ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари, бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳаётимизда туб ис-

лохотлар кузатилаётган аини паллада янги қонун ишлаб чиқилгани ва амалиётга татиқ этилаётгани аини мудири бўлди.

Албатта, айримларда янги қонунда нималар ўзгарди, у ҳам иш берувчи, ҳам ходимнинг манфаатларига бир хил даражада жавоб берадими, деган саволлар туғилиши табиий. Аввало, янги қонуннинг аввалгисидан фарқи шундаки, унда ҳар икки томоннинг манфаатлари бирдек акс эттирилган. Янги қонун халқаро талаблар ва тажрибалар асосида ишлаб чиқилди, у ҳар икки томоннинг манфаатига баравар хизмат қилиши шубҳасиз. Шу боис, нафақат касаба уюшмаларида фаолият юри-



Анжуман

таётганлар, балки иш берувчидан тортиб ишчи-ходимгача, гапнинг лўндасини айтганда, барчамиз янги қонунни батафсил ўрганмоғимиз шарт. Шундагина меҳнат фаолиятимиз давомида ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билемиз ва ҳар қандай шароитда ҳам ўзимизни ҳимоя қилиш имконияти бўлади.

Тадбир давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар, иш жараёнида ходимлар саломатлиги, текшириш ва ҳисобга олиш масалаларига янги қонунда қай даражада эътибор қаратилгани кенг муҳокама қилинди.

Ғулор МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»

Бухоро вилояти

Моҳиятни англаш масъулияти

Бухоро давлат университетидида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда касаба уюшмаларининг шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари мутасаддилари, турли корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари иштирок этди.

Бирлашма кенгаши раиси Муҳаммадқосим Олимов ўтган йилнинг декабрида қабул қилинган муҳим ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамияти, унинг аввалги

қонундан фарқли ҳамда афзал томонларига тўхталди. Ўз навбатида, Бухоро шаҳри адлия бўлими бошлиғи Абдураҳимхўжа Бафаев жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қатор қонунлар ижроси йўлида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилётган чора-тадбирлар ҳусусида мулоҳаза билдирди.

— Фаолиятимиз мезонини

белгиловчи янги қабул қилинди, — дейди бирлашманинг ташкилий ишлар бўлими мудири Ҳамид Бешимов. — Табиийки, савол туғилади: хўш, энди-чи?! Галдаги вазифаларнинг бири ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳиятини жабҳа вакилларига ҳар томонлама тушунтиришдир.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдидилар. Аини шу йўналишдаги тадбирлар Бухоро вилоятининг барча туман ва шаҳарларида бўлиб ўтди.

Рустам ИБРОҲИМОВ, «ISHONCH»

Давра суҳбати

Навоий вилояти

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигида бир қатор туман ва шаҳарларда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишлаб тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Фикр-мулоҳазалар билдирилди



лари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши юзасидан амалий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

850 нафардан ортиқ касаба уюшма фаоллари ва иш берувчилар иштирок этиб, савол-жавоб ва мунозара тарзида ташкил этилган тадбирларда корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари фаол иштирок этди.

Завриддин ҲАЛИМОВ, Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими юристконсулти

Тарғибот

Хоразм вилояти

Иш берувчилар иштирокида

Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси вилоятдаги даволаш профилактика муассасалари раҳбарлари ва кадрлар бўлими бошлиқлари иштирокида ўқув-семинар ўтказди.

Унда меҳнат қонунчилигининг айрим масалалари, жумладан, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, жамоа шартномалари тузишнинг ҳуқуқий асослари ва унинг бандлари бажарилишини муҳокама қилиш жараёнида ҳақида сўз борди. Шунингдек, янги қабул қилинган «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

— Бош шифокорлар иш берувчи сифатида меҳнат қонунчилигини яхши билиши лозим, — дейди бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Гулхоним Аминова. — Аммо айрим ҳолларда қонун талабларига зид ҳолда ходимларни иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатил, жа-



золаш ҳолатлари учраб турибди. Қолаверса, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганик, тунги навбатчиликлар учун ҳақ тўлаш тартибларига тўлиқ риоя қилиш зарур. Қонунчиликда ходимларнинг тиббий кўрикларини ташкил қилиш, иш ўринларини

шаҳодатлаш борасида ҳам иш берувчилар зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Шу каби муҳим масалалар юзасидан батафсил тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Муҳаббат ТўРАБОВА, «ISHONCH»

Семинар

Уларда қонуннинг долзарблиги ва аҳамияти, корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмаларининг ўрни, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва аъзолари учун белгиланган имкониятлар, ижтимоий шериклик муносабатлари, жамоа шартнома-

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бошланғич касаба уюшма қўмиталарида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари ўтказилиши бўйича ўқув-семинар ташкил этилди.

Барча учун фойдали бўлди

Унда соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилот, корхона ва муассасаларнинг касаба уюшма қўмитаси раислари қатнашди. Семинарда ўтказиладиган ҳисобот-сайловлар ҳақида бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб олиш, шунингдек, «Касаба уюш-

малари тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш борасида сўз борди. Бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларига жиддий тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишларига касаба уюшма фаолларини ҳам кенг жалб этиш, уларни амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва юқори касаба уюшма

органлари қарорларига риоя этган ҳолда ўтказиш ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

Бундан ташқари, янги қонун билан фуқароларнинг касаба уюшмаларига бirlлашиш имконияти кенгайтирилди, унга мувофиқ касаба уюшмалари нафақат корхона-ташкилотларда, балки барча иш ўринларида тузилиши мумкин эканлиги белгилаб қўйилганлиги ва бошқа муҳим жиҳатларга алоҳида тўхталинди.

Савол-жавобларга бой бўлган семинар барча иштирокчилар учун жуда фойдали бўлди.

Феруза РАҲИМОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Ўқув



Фаргона вилояти

Оғриқ тишлар...

Бешариқ бозори бедарвоза(ми)?

Азал-азалдан бозорлар халқимиз маданиятининг бир бўлаги ҳисобланган. Шу боис, «Бозорлар — юрт кўрки», «Қайси юрт қандай яшайгани билмоқчи бўлсанг, бозорини кўр», деган пурмаъно нақллар пайдо бўлган. Шукри, бүгун бозорларимиз ҳар қачонгидан-да обод, фаровон.

Бешариқ тумани деҳқон бозори нарх-навонинг арзонлиги, маҳсулотларнинг мўл-қўлиги билан харидорларнинг тилига тушган. Шу сабаб кўшни туман аҳолиси ҳам айнан шу бозорга келиб, савдо қилишга одатланган. Чиндан ҳам бу ерда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бошқа бозорларга нисбатан анча арзон.

Президентимизнинг «2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг

дўконлари бузилиб, уларнинг ўрнида харидорларнинг эмин-эркин ҳаракатланиши учун йўлаклар, манзарали даврахт кўчатлари экилди. Бозорнинг олди қисмида 3 та усти берк савдо павильони ва 2 қаватли савдо мажмуаси бунёд этилиб, ўтган йилнинг бошида фойдаланишга топширилди. Бу кўпчилики мамнун қилди, албатта. Аммо айни пайтда бозордаги бертариблик ҳолати ҳар қандай инсоннинг таъбини хири қилиши тайин. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бозор дарвозаси ёнини омонат ясалган ночор «раста»ларда савдо



ҳудудда замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори доирасида ушбу бозорда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, 2018 йилда Бешариқ деҳқон бозорининг қиёфасини ўзгартириш, сотувчи ва харидорлар учун қулай шароит яратиш мақсадида 6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бозор кўркини бузаётган бертариб, пана-пасткам савдо

қилаётган «тадбиркорлар» эгаллаб олган. Ўзи хон, қўлан-қаси майдон бу кимсалар не машаққатлар билан майс ва гул экиш учун ажратилган майдонни ҳам савдо-сотиқ жойига айлантиришган. Энг ачинарлиси, шуки, экилган арча кўчатларини суғориш ва ёнинг жазирасида ҳавони бир мунча салқинлатириш учун ўрнатилган юздан ортиқ кичик фавворалар ўрнида ҳам хонаки ва қўл-бола «савдо» расталари жой-

лаштирилган. Устига устак, бу жой ҳайдовчилар учун текин авто тураргоҳ вазифасини ба-жармоқда. Бунинг оқибатида фаввораларнинг кўпи синиб, аллақачон яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бозор маъмурияти эса бунга томошабин бўлиб турибди.

«Бешариқ деҳқон бозори» МЧЖ бошқарув раиси Аҳмаджон Баратовдан бу ҳолатга изоҳ сўраганимизда у бозор қурилишини «Холлис-2011» фирмаси бажаргани, ҳали қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланмаганини маълум қилди.

Қизиқ, бозор ҳудудини назорат қилиш, мавжуд ашёларни асраб-авайлаш бозор маъмуриятининг вазифасига кирмайми? «Бу менинг муаммом эмас» қабилида иш тутуш нечоғлик тўғри?

Яна бир гап. Бешариқ деҳқон бозорига нисбатан озода, тартибли иборасини ишлатиш бироз ноўрин. Чунки бозор ораласангиз озодалик, саранжом-сарихалик бу ерга бегона эканини пайқашингиз қийин эмас. Аввало, кўзингиз бозорнинг кириш жойидаёқ чиқиндиға тўла ариққа тушади. Сотувчилар қолдирган чиқиндиларини эса ҳар қадамда учратишингиз мумкин. Бозорнинг орқа томонидан ўрин олган чиқиндиҳонада аҳвол эса ниҳоятда абгор ҳолатда.

Хуллас, бозор катта маблағ эвазига гулзорга айлантирилиши лозим бўлган жойнинг сотувчилар ва машина гилдирақлари остида пайҳон бўлаётганини кўриш жуда ачинарли. Бу ҳолат на бозор маъмуриятини, на қурувчи ташкилотни ўйлантираётгани йўқлиги эса янада афсусланарли. Бу манзарани кўрган киши «Афсус, шунча меҳнат, афсус шунча маблағ» дейиши аниқ.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Бешариқ бозорининг эгаси йўқми? Мутасаддилар бунга нима дейди?



Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch»

Мамлакатимизда босқичма-босқич равишда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими амалиётга татбиқ этилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган йилда 2,5 миллион дон янги ҳисоблагич ўрнатилган бўлса, жорий йилда уларнинг сонини 4,5 миллионга етказиш режалаштирилган.

«Ақлли» энергия ҳисоблагичлари: ўғрими ёки тўғри?

Бу яхши, албатта. Аммо кейинги пайтда ўзаро суҳбат ва ижтимоий тармоқларда мазкур мавзу кенг муҳокама қилинмоқда. Гап шундаки, янги ҳисоблагичлар ҳақида «Кўп пул ёзар экан», «Тез айлангирар экан», «Ўғри ҳисоблагич» каби таъриф-у тавсифлар билдирилмоқда.

Ўш, «ақлли» ҳисоблагичлар ҳақидаги бу эътирозлар қанчалик тўғри? «Худудий электр тармоқлари» АЖ мутасаддиларига ушбу савол билан мурожаат қилдик.

— Янги ҳисоблагич электр энергиясининг кичик сарфини ҳам пайқайди ва ҳисоблайди, — дейди «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг Электр энергияни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни жорий этиш дирекцияси директори Даврбек Имомов. — Масалан, кўпчилигимизнинг уйимизда компьютер, телевизор каби қурилмалар ишлатилмаган пайтда ҳам «кутиш» режимида қолдирилади. Мобиль телефонини қувватлаш мосламаси ҳам телефондан узилса-да, электр манбаидан олинмайди. Эътибор қилсангиз, буларнинг барчасида «қизил нуқта» ёниқ туради. Олдинги механик ва электрон ҳисоблагичларнинг ушбу қизил нуқталарга оқиб кетаётган энергияни ҳисоб-



лаш хусусияти йўқ эди. Янги ҳисоблагичлар эса барчасини ҳисоблаш хусусиятига эга. Натижада электр жиҳозларини тармоқдан ажратмасдан «кутиш» функциясида қолдириш юртдошларимизга ортиқча харажатларни келтириб чиқармоқда. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган ҳар бир ҳисоблагич инсон омили таъсирсиз алоҳида метрологик кўриқдан ўтказилади. Агар у белгиланган метрологик меъёрлар талабига жавоб бермаса, сотувга чиқарилмайди.

Мутасаддис билан мулоқот чоғида маълум бўлдики, янги ҳисоблагич эски ҳисоблагичга нисбатан 3-5 фоизга кўпроқ ҳисоблайди, аммо бу ўзимиз ишлатган энергияни аниқ ва сезгирлик билан ҳисоблаши эвазига. Асло ўғри эмас!

Шу пайтгача ташкилотнинг ўзига ҳам ҳисоблагич «кўп ёзар» бўлиши тўғрисида шикоятлар келиб тушган. Шунда «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг Электр энергияни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни жорий этиш дирекцияси ходимлари юртдошларимизнинг кўнглидаги ишончсизликка барҳам бериш учун ҳисоблагичнинг устидан фуқароларнинг олдинги уйда турган ҳисоблагичларини ўрнатишди. Икки ҳафта ёки бир ойдан сўнг иккала ҳисоблагич кўрсаткичлари таққосланганда эса юртдошларимиз янги ҳисоблагич тўғри ишляётганига, фарқ арзимас даражада камлигига амин бўлишди.



Ойдинлик

— Биз ўтган йилнинг сўнги олти ойи давомида 50 та хонадонда янги ҳисоблагичга параллел равишда олдинги эски ҳисоблагичларни ўрнатиб, фуқароларга янги ҳисоблагич фаолиятига шубҳа билан қараётган юртдошларимиз бўлса, ходимларимиз уларнинг уйида ҳам бу тажрибани амалга ошириши мумкин. Ана шунда ҳаммаси ойдинлашади. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтсам, албатта янги тизимга ўтиш энди бошлангани учун ҳали муаммоларимиз мавжуд. Масалан, айрим ҳолларда ҳисоблагичлар кўрсатилган меъёрлар асосида ўрнатилмагани оқибатида уларнинг нотўғри ишлаши учраб турибди. Бундан ташқари, ҳисоблагич автоматик ўчганда тўлов қилинишига қарамадан ўз вақтида ёнмаётган ҳолатлар ҳам учрапти. Бунинг сабаби, тизимнинг алоқа операторлари ва интернет билан боғлиқлигидир. Интернет яхши ишламаётган ҳудудларда бу муаммолар кўпроқ кузатиляпти. Ҳозирда бундай муаммоларни бартараф этиш устида ишляпмиз.



Зебо НАМОЗОВА,
«Ishonch»

Янгилик

Омонат дафтарчаси ўрнига депозит карта

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки жорий йилда омонат дафтарчалари ўрнида банк депозит картасини жорий этишни режалаштирган. Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда маълумот берилди.



Ташкилотда, мазкур лойиҳа амалга оширилгач, омонатга маблағ қабул қилиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш вақти икки бараварга қисқаради. Янги тизимда «Янги мақсад», «Мақсад сари» ҳамда «Ипотека» бошлангич бадал» номли омонат турлари амалиётга татбиқ этилади.

Тадбир давомида иштирокчилар банк фаолиятида омонатлар ва улар билан ишлаш йўналишида эришилаётган натижалар ва истиқболдаги режалар билан таништирилди.

— Банкнинг 42 та филиали, 33 та минибанк, 11 та банк хизматлари кўрсатиш маркази, 201 та шох-босқачи орқали 946 минг нафардан ортиқ миқозга хизмат кўрсатилмоқда, — дейди Банк омонатлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жамолиддин Одилов. — 2019 йил якунида омонатчилар сони 110 минг 844 нафарга етди. Бу йил бошига нисбатан 12 минг нафарга кўп демакдир. Омонатлардаги маблағларнинг қолдиғи йил бошидаги 545 миллиард сўмдан йил якунида 645 миллиард сўмга ортди.

Банк тизимида жисмоний шахсларнинг вақтини тежаш ва омонатчилар билан масофавий муносабатларни ривожлантириш мақсадида «Deposit banking» мобил дастури жорий қилинган. Ушбу дастур жисмоний шахсларнинг ўз депозит ҳисоб рақамларидаги маблағлари доирасида нақдсиз амалиётларни миқозларнинг ўзлари банк муассасаларига келмасдан мобил телефонлари орқали бажариш ва ўз омонатлари бўйича маълумот олиш имконини беради. Фуқаролар омонатлари

ҳимоясини янада кучайтириш, омонатлар билан боғлиқ амалиётларни миқозлар иштирокисиз амалга оширилмаслигини қатъий назоратга олиш мақсадида шахсларнинг «Биометрик идентификация» (бармоқ излари намунасидан фойдаланиш тизими) ҳам амалга киритилган. Бу эса банк миқозларининг ишончига сазовор бўлмоқда.



Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«Ishonch»

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси! «КОСНМАС MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани ҳокимлигининг 22.01.2020 йилдаги 1/46-сонли хати ва Қоровулбозор туманидаги «NEFT AGRO KOMPLEKSI» масъулияти чекланган жамиятининг 21.01.2020 йилдаги 5-сонли бюртма-хатига асосан жамият ҳисобидеги кўйидаги 3 (уч) та мулкий мажмуалар ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибда кўйилмоқда.

1-ЛОТ: Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани, Имом Бухорий номидаги МФЙ ҳудудида жойлашган Гўшти қайта ишлаш цехи бино ва иншоотлари мулкий мажмуа сифатида.

Бешариқ баҳоси — 1 001 050 000 (Бир миллиард бир миллион эллик минг) сўм

2-ЛОТ: Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани, Имом Бухорий номидаги МФЙ ҳудудида жойлашган Иссиқхона бино-иншоотлари ва техникалари мулкий мажмуа сифатида.

Бешариқ баҳоси — 14 001 350 000 (Ўн тўрт миллиард бир миллион уч юз эллик минг) сўм

3-ЛОТ: Бухоро вилояти, Когон тумани, «Беклар» МФЙ, «Меҳнатобод» массиви ҳудудида жойлашган Парандачилик фермаси бино ва иншоотлари мулкий мажмуа сифатида.

Бешариқ баҳоси — 3 003 420 000 (Уч миллиард уч миллион тўрт юз эллик минг) сўм

Очиқ аукцион савдолари 2020 йил 28 февраль куни соат 11:00да Бухоро шаҳри, Ҳ.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

2020 йил 28 февраль куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда тақририй аукцион савдолари 2020 йил 6 март ва 13 март кунлари ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги бюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳ.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

— «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдордаги закатат пулларини тўлаши;

— жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

— юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун таъинланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закатат тўлови учун реквизитлар: «КОСНМАС MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 304815549, МҲО: 00452, банк: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, х/р: 20208000900759233001.

«Аукцион ташкилотчиси» — «КОСНМАС MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти.

Бюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Ҳ.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй. Тел: +998 90 299-82-92. E-mail: mkmfi@mail.ru

Лицензия № RR-0297

Қурилиш ташкилотлари диққатига! АТ «Халқ банки» Тошкент шаҳар филиали қурилиш ишлари бўйича танлов эълон қилади

№	Объект номлаши	Лойиҳа қиймати ҚҚС билан	Лойиҳа қиймати ҚҚСсиз	Ишни бажариш муддати
1.	АТ «Халқ банки» Тошкент шаҳар филиалида ўқув маркази ташкил қилиш бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари	670 014 973, 0	582 621 716,0	15 кун

Молиялаштириш манбаси: «Халқ банки»нинг ўз маблағлари.

Танлов комиссияси ишчи органи манзили: 100024, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 9-уй

Мурожаат учун телефон: +99871-202-50-51
Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган шартлар асосида мазкур ишларни товарларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этиши мумкин.

Танлов билан боғлиқ ҳужжатлар: порталга жойлаштирилган (https://exanid.uzex.uz/cu/competitive/lot/9063422)
Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охириг сана ва вақти: 2020 йил 31 январь, соат 10:00 гача.

Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:

— танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;

— тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойлари муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;


— танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши шарт;

— танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 100024, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 9-уй.
Танлов ўтказиладиган вақт: 2020 йил 4 февраль соат 16:00.
Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: 100024, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 9-уй.
Хизматлар лицензияланган.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Янгийўл қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи томонидан 2002 йилда Ахмадалиев Муҳитдин Джамалитдинович номига берилган НГ 0102290 рақамли диплом (рўйхатга олиш рақами — 152) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани «Низе-Боши» ҚФЙ Кирриччая кўчаси 4-уй эгаси Талипов Холимирза Мирсаатович номига берилган унинг барча кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» Давлат унитар корхонаси томонидан Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 159-«А» уй манзилида жойлашган қуваҳона бизнеси учун Ахмеджанов Шухратжон Рахматжонович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.



Самарқанд вилояти

Ишлайман, деб енг шимариб турсанг-у, йўлинг тўсилса, жамоа манфаатини кўзлаб қилган ҳаракатларнинг эҳсиз кетса, алам қилади кишига. Пастдарғом туманидаги 29-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Шодиёр Ғоибовнинг бошига шундай ташвиш тушди.

Касаба уюшма аралашгач...


ҲИМОЯГА МУҲТОЖ «ҲИМОЯЧИ» ёхуд бартараф этилган қонунбузарлик

Гап шундаки, ходимлар манфаатининг ишончли қалқони бўлиши керак бўлган касабакўмининг ўзи ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлиб қолди. Ҳамкасблари унга катта ишонч билдириб, бошланғич касабга уюшма кўмитасининг етакчилигига сайлашган. У бир ярим йилга яқин вақт мобайнида мактабдаги жамоат ташкилотини бошқариб келган. Ходимлар манфаатини ҳимоялаш, меҳнат шариотини яхшилашга жиддий киришган раис мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан иш берувчига расмий билдиргилар орқали бир неча мартаба мурожаат қилган. Унинг талаблари маъмуриятга ёқмаган шеклилли, ўтган йилнинг декабрь ойида унинг иштирокида бошланғич касабга уюшма ташкилоти йиғилишини чақириб, касабакўмиликдан озод қилишган. Бундан таажжубга тушган Шодиёр Ғоибов Самарқанд вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилди. Унинг аризасини ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, мактабда ариза муаллифини бошланғич касабга уюшма кўмитаси раислигидан озод этиш масаласи кўриб чиқилган умумий йиғилиш баённомаси мавжуд эмас. Қолаверса, тар-

моқ туман кенгашига ҳам ҳеч ким бу мазмундаги ҳужжатни топширмаган. Устига устак, мактаб жамоасининг аксарияти касабакўм фаолиятидан қониқиш ҳосил қилаётганини билдиришди. Кўриниб турибдики, бу ўринда иш берувчи ноҳақ, У жамоат ташкилоти фаолиятига аралашши ҳуқуқига эга эмас. Мактаб жамоаси билан учрашувда жамоат ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишлари, фаолият кафолатлари тўғрисида тўлиқ тушунча берилди ва йўл кўйилган хатолик бартараф этилди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, қонун талабларига қатъий амал қилиш зарур. Қонунда иш берувчининг ҳам, ходимнинг ҳам, жамоатчилик назоратининг ҳам ўрни аниқ белгилаб берилган. Унда қайд этилгани каби «зўравонлик» ҳолатлари билан асло муроца қилмайди.

Улуғбек ҒАНИЕВ,
Самарқанд вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими мудир



Қашқадарё вилояти

Масаланинг оқ ва қора тарафи



«Ақл гимнастикаси» сифатида эътироф этилган қадимий шахмат ўйини ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Бироқ ҳозир гап бу ҳақда эмас. Бу ўринда Қашқадарё вилоятида шахматнинг аҳволи қандай ҳолатда экани ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Маълумотларга қараганда, воҳалик шахматчилар республика мусобақаларида 21 та (7 та олтин, 10 та кумуш ҳамда 4 та бронза) медални қўлга киритишган. Халқаро мусобақаларда эса 14 та медалга мушарраф бўлишган. Даврон Шарипов, Абдумалик Абдусалимов, Шаҳзод Исломов, Даврон Маҳмуджонов каби шахматчилар ўз ғалабалари билан рейтинг очколарини ҳам кўпайтириб олишди. Жумладан, чирокчилик Даврон Шарипов қитъа чемпионатида иккита олтин ва битта кумуш медални қўлга киритиб, халқаро тоиғадаги спорт устаси меъёрларини бажарди.

Бундай ғалабалар кишини қувонтирсанда, Қашқадарёда шахмат турига берилётган эътиборни юқори дейишга ҳали эрта.

Ўзбекистон шахмат федерациясининг Қашқадарё вилояти бўлинмаси ижрочи директори Умида Чоршанбиеванинг маълум қилишича, айти пайтда вилоятда 200 нафардан ошиқ шахматчи бор. 11 нафар мураббий туманлардаги турли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ёшларга шахмат сирларини ўргатмоқда. Қарши шахри, Чирокчи, Косон, Ғузур, Нишон, Китоб туманларининг шахматчилари вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда



мунтазам қатнашиб келмоқда. Бироқ Қасби, Қамаш, Миришкор, Шаҳрисабз, Қарши туманлари ва Шаҳрисабз шаҳридаги БЎСМларда шахмат тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилмаган.

Бунга шахмат бўйича мураббийларнинг йўқлиги сабаб бўлмоқда. Спорт мактабларида шахмат бўйича мураббийлик қилиш учун махсус сертификат талаб этилади. Ишламоқчи бўлган мураббийлар бор, аммо уларнинг сертификати йўқ.

Умида Чоршанбиеванинг фикрича, масаланинг ечими жуда осон. Ҳозирда БЎСМларда ишлаб турган мураббийларни худудий Жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ҳамда спорт мактаби маъмурияти малака оширишга жўнатади ва уларнинг ўқиш харажатлари тўлаб берилади. Агар мураббий ишга кирмаган бўлса, у малака оширишга ҳам жўнатилмайди, ишга ҳам киролмайди. Агар мутасаддилар шахмат мураббийли-

Долзарб мавзу

ги даъвогар мутахассисни синов асосида БЎСМга ишга қабул қилиб, унинг сертификат олишида қўллаб-қувватласа, муаммо ўз-ўзидан барҳам топади. Бунинг учун изланиш ва ташаббус кўрсатиш кифоя.

Шахматчиларнинг республика ва халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўриши, ўқув-машғулот йиғинлари ўтказиш учун базанинг йўқлиги ҳам ютуқлар йўлига тушов бўлмоқда. Ўз биносига, машғулот ва йиғинлар ўтказиш учун спорт базасига эга бўлмаган вилоят шахмат федерацияси бўлинмаси Қарши шаҳридаги «Локомотив» спорт жамиятидан битта хонани ижарага олган ҳолос. У ҳам офис, ҳам машғулот ўтказиш жойи вазифасини бажармоқда. Қарши шаҳар ҳокимлигига ер майдони ажратиш ҳақида мурожаат қилган шахмат федерацияси бўлинмасига рад жавоби берилган. Бўлинмага «Вилоят сувоқова» корхонаси ҳомий сифатда бириктирилган. Аммо ходимларига маош беролмаётган корхонадан ердан кутиш мушкул.

Маълум бўлишича, вилоят шахмат федерацияси бўлинмаси ижрочи директори Умида Чоршанбиева ҳамда вилоят терма жамоаси бош мураббийи Одил Эркинов маош олишмас экан. Улар жамоатчилик асосида ишлашмоқда.

Президентимизнинг умумтаълим мактабларида шахмат дарслари ўтиш ҳақидаги кўрсатмасига мувофиқ айти чоғда Қашқадарё вилоятидаги тўққизта мактабда шахматдан дарс берилмоқда. Утган йили ўтказилган шахмат дарслари 2-синф ўқувчилари учун ҳафтада бир марта ташкил этилган, Қарши, Чирокчи, Қамаш, Китоб туманлари ва Шаҳрисабз шаҳридаги мактабларда шахмат дарслари сифатсиз ўтилаётгани аниқланган. Масалан, Чирокчи туманидаги 27-мактабда шахмат анжомлари жойида йўқлиги, мураббийнинг машғулотларни вақтида ўтмаётгани маълум бўлган.

Хуллас, қашқадарёлик шахматчиларнинг ютуқлари билан бирга муаммолари ҳам талайгина.

Шахмат билан шуғулланишни истган ёшларга зарур шароитни яратиш учун раҳбарлар, спорт мутасаддиларининг эътибор ва кўмаги жуда зарур. Ана шунда Қашқадарёдан кўплаб гроссмейстерлар, дунёни лол қилаётган шахмат тождорлари етишиб чиқади. Энг муҳими, шахмат ўйнаб, маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етганлар сафи янада кенгайди. Бу эса улкан ютуқдир!



Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch»

Реклама

Кўнгилга сайр

XalqBanki

«Айнан сиз учун-2»

миллий валютадаги жамғарма омонати

– 100, 105, 110... 230 кунга **йиллик 21 фоиз**

– 235, 240, 245... 365 кунга **йиллик 22 фоиз**

– 370, 375, 380... 495 кунга **йиллик 23 фоиз**

Энг кам миқдори 100 000 (бир юз минг) сўм.

Омонатчининг талабига кўра, омонат қолдигининг 10 фоизигача қисман чиқим қилиб берилиши мумкин.

Омонат муддатидан олдин талаб қилиб олганда омонатга йиллик 10 фоиз миқдоридан даромад тўланади.

Хизматлар лицензияланган

Tel: +998 (71) 200-00-55 | xalqbankinfo | www.xb.uz

XalqBanki

«Совринли»

миллий валютадаги муддатли-ютуқли омонат тури

– омонатни сақлаш муддати **6 ой**

– йиллик фоиз ставкаси **17 фоиз**

Энг кам миқдори белгиланмаган.

Ютуқлар сони 108 та.

Супер ютуқ «NEXIA-3» ва «SPARK»

автомашиналари ва 106 таси турли қийматдаги пул ютуқлар.

2 000 000 сўм ва ундан юқори қолдиққа эга бўлган ҳисобварақлар иштирок этади.

Хизматлар лицензияланган

ЖАНГЧИ

Чигал йўллар чорраҳасида, Ҳақсиз ҳақиқатлар ҳақдирлар!.. Езилмаган қонунлар билан, Тақдир тақдирларни тақдирлар..

Атрофимда минглаб одамлар Юраклари ётган йўлақлар, Эзиб, янчиб ўтар қадамлар, Йиғлар етим қолган юраклар!..

Сўқирларнинг сўқмоғи равон, Улар учун кўзга керакмас, Кетмоқдалар жаҳаннам томон, Ҳиссиётсиз, ишқсиз юраксиз!..

Дунё нолон кўнгилга тўлса, Менинг кўксим унга бошлана. Ким қалбини отмоқчи бўлса, Кўкрагимни тутаман, мана!

Ҳаёт жанггоҳига йўл олган, Абадий жангчага ўхшайман. Яшаш учун курашмайман мен, Мен курашиш учун яшайман!

Азизбек РАМАЗОНОВ

ЎЗА яқини – **22:30**
Топширилди – **23:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди, Ҳажми 2 босма табоқ, Буюртма Ғ – **117**, **30688** нускада босилди, Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Манзилими: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа анцидарлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахрират ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Iroteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2050-5022 | 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Миллий ва ахборот агентлигида 11Б-рўқам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари тахрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (Тахрир ҳайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сўхроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМКҲУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари «Ishonch-Doverie» бўйича), Меҳриддин ШУКУРОВ, (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-манъавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва мушбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар: Қарақалпоғистон Республикаси – (+998 99) 889-90-22 Андиқон вилояти – (+998 99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998 99) 889-90-31 Жиззах вилояти – (+998 99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998 99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998 99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998 99) 889-98-44 Самарқанд вилояти – (+998 99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998 99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998 99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998 99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998 99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998 99) 889-90-27